

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ.

ЛЕКЦИЯ №4.

**МАВЗУ: ДИҚҚАТ, СЕЗГИ, ИДРОК ВА ТАСАВВУР
ПСИХОЛОГИЯСИ.**

ТОШКЕНТ 2008

МАЪРУЗА РЕЖАСИ:

1. Дикқат, унинг турлари ва асосий вазифалари ҳамда ўзига хос хусусиятлари.

2. Сизги ва идрок ва уларнинг хусусиятлари хақида тушунча

3. Идрокнинг турлари хақида тушунча.

АННОТАЦИЯ: Дикқат, сезги, идрок ва тасаввур хақида тушунчалар, уларнинг вазифалари ва хусусиятлари тушунтирилган.

МАҚСАД:

Диққат, сезги, идрок ва тасаввур психологиясини билиш, тушуниш ҳамда амалиётда қўллай олиш. фаолиятда хиссий билишнинг аҳамияти. «Диққат тушунчаси ва унинг турларини таърифлаш. Диққат турларининг асосий вазифалари. Диққат хусусиятлари. Диққат онтогинези. Диққатнинг анатомик физиологик асослари. «Сезги» таърифлаш. Сезги хусусиятлари. Сезгидан анатомик физиологик асослари. Сезги классификацияси, «Адаптация», «Сенсибилизация», «Синтезатция» «Компенсаторлик» Тушунчаларини таърифлаш ва уларни аҳамиятини аниқлаш. «енсомотор» жараёнини ёритиш. Идрок хусусиятлари ва турлари. «Аннерцекция» иллюзиянинг тушунчаларини ва уларнинг турлари.

Диққат, унинг турлари ва асосий вазифалари ҳамда ўзига хос хусусиятлари.

Фаолиятда хиссий билишнинг аҳамияти. «Диққат тушунчаси ва унинг турларини таърифлаш. Диққат турларининг асосий вазифалари. Диққат хусусиятлари. Диққат онтогинези. Диққатнинг анатомо-физиологик асослари. «Сезги» таърифлаш. Сезги хусусиятлари. Сезгидан анатомик физиологик асослари. Сезги классификацияси, «Адаптация», «Сенсибилизация», «Сенестезация» «Компенсаторлик» тушунчаларини таърифлаш ва уларни аҳамиятини аниқлаш. «Сенсомотор» жараёнини ёритиш. Идрок хусусиятлари ва турлари. «Аннерцекция» иллюзиянинг тушунчаларини ва уларнинг турлари.

«тасаввурнинг тушунчасини таърифлаш. Тасаввур турлари. Шифокорлик фаолиятида хиссий билим жараёнларининг аҳамияти. Диққат, сезги, идрок, тасаввур жараёнларини диагностика қилувчи методикалар ҳақида тушунча. **Диққат** деб онгни бир нуқтага тўплаб муайян бир объектга актив қаратилишига айтамыз. Бирон ташқи сабаб билан бизнинг хохишимиздан ташқари ҳосил бўладиган диққатни **ихтиёрсиз диққат** деймиз. Ихтиёрсиз диққатнинг дастлабки физиологик асоси **ориентировка** ёки **текшириш** рефлексларидан иборат. Диққатимиз қаратилиши лозим бўлган нарсани олдин белгилаб олиб, онгли равишда қўйилган мақсад билан ишга солинган диққатни **ихтиёрий диққат** дейилади. Ихтиёрсиз диққат ҳам ва ихтиёрий тадқиқот ҳам ўзининг йўналишига кўра ташқи ва ички бўлиши мумкин. Манбаи бизнинг онгимизда ташқарида бўлган диққатга **ташқи диққат** деб аталади.

Ички диққат одам ўз-ўзини тарбиялаши билан узвий боғлиқдир. Ички диққат ўз ўрнини тарбиялашнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Диққат бир қанча хусусиятларга эга бўлиб, улардан асосийлари диққатнинг кўчувчанлиги, бўлиниши, кўлами, кучи ва барқарорлигидир.

Диққатнинг кўчиши деганда биз унинг бир нарсадан иккинчи бошқа бир нарсага, фаолиятининг бир туридан бошқа турига ўтишини тушунамиз.

Диққат кўчиши иктиёрсиз ва ихтиёрий тарзда содир бўлиши мумкин.

Фақат битта нарсага қаратилган диққатни **концентрациялашган** (йиғилган) ёки **тўпланган** диққат дейилади. Агарда диққат фақат бир мураккаб иш процессининг ўзида икки ёки уч нарсага қаратилган ва фаолиятининг турли усуллари билан боғлиқ бўлса, бундай диққатни **бўлинган** ёки **тақсим қилинган** диққат дейилади.

Энг кучсиз диққат одатда **тарқоқ диққат, паришон диққат** ёки туғридан туғри **паришонлик** дейилади. Паришонлик одамнинг ўз диққатини бирон бир муайян ишда ўзини тутиб тура олмаслигидир.

Паришонлик – бу энг кучсиз диққатдир, мия пўстида қўзғалган жойнинг кучсиз бўлишлигидир.

Диққатнинг барқарорлиги. Диққат маълум даражада барқарор ва беқарор бўлиши мумкин. Узоқ муддатгача бир нарсанинг ўзига қаратилиб тура оладиган диққат **барқарор диққат** дейилади. Агар диққат бирон-бир фаолият процессида бошқа нарсаларга, кераксиз нарсаларга чалғиверса ёки сушлашиб ва сўниб қолса бундай диққат **беқарор диққат** дейилади.

Хиссиёт ва диққат. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги хиссиётга боғлиқ. Бу ерда хиссиётнинг роли икки турли – ижобий ва салбий бўлиши мумкин.

Ирода ва диққат. Ихтиёрий (иродавий) диққатнинг кучи ирода кучи билан сақлаб турилади. Кўпинча, ихтиёрсиз диққатнинг барқарорлиги ҳам фаолият процессида ироданинг зўри билан ушлаб турилади.

Қизиқишлар ва диққат. Диққатнинг тўпланиш ва барқарорлигини сақлаб туришда кишининг қизиқишлари катта аҳамиятга эгадир.

Сезги ва таъсавур ва уларнинг хусусиятлари ҳақида тушунча

Сезги органларимизга таъсир этадиган нарсалардаги айрим хоссаларнинг миямизда шу тариқа бевосита акс этиши сезги деб аталади.

Идрок - сезги аъзоларимизга таъсир қилиб турган нарсаларнинг онгда бевосита акс этишидир. Сезгилар одатда содда, элементлар психик процесслар деб ҳисобланади, идрок эса мураккаб психик процессдир.

Идрок битта сезги органининг иши бўлавермай, балки бошқа бир қанча сезги органлари, бир қанча анализаторларнинг фаолияти махсулидир. Булардан ташқари, **идрокнинг** яна **аралаш** тури ҳам бор.

Кўп ҳолларда идрокимиз таркибига ўтмишдаги тажриба билан бирга ҳаёл тасаввурлари ҳам киради.

Идрок таркибига тафаккур ва нутқ фаолияти ҳам киради. Бунда тафаккур ва нутқ фаолияти, аввало идрок қилинаётган нарса ва ходисанинг номини овоз билан ёки ўз ичидан айтишга ва билишда ифодаланади.

Идрокнинг активлигига аввало унга боғлиқ бўлган хиссий кечинмалар сабаб бўлади.

Идрокнинг турлари ҳақида тушунча.

Идрок прцессларида диққат ғоят катта аҳамиятга эгадир. Диққат идрокнинг активлигини оширади ва идрокнинг мукамал, расо ва равшан бўлишига хизмат қилади. Муайян бир объектни олдиндан мақсад қилиб олмасдан ва махсус танламасдан, куч сарф этмасдан идрок қилиш процесини **ихтиёрсиз идрок** деб аталади. Олдин белгиланган мақсадга қараб муайян бир объектни идрок қилишни **ихтиёрий идрок** деб аталади.

Фазони идрок қилиш тўғрисида гапирар эканмиз, биз нарсаларнинг фазодаги формаларини, уларнинг фазодаги катта-кичиклигини ва фазодаги ўзаро муносабатларини кўзда тутамиз.

Вақтни идрок қилиш – бу биз идрок қилиб турган нарса ва ходисалар маълум бир вақт давомида пайдо бўлади, тараққий қилади ва ўзгариб боради.

Харакатни идрок қилиш. Биз нарсаларни ҳаракатсиз, сокин ҳолатинигига идрок қилиб қолмай, балки фазода жой алмаштириб турган ҳолатини нарсаларнинг ҳаракатини ҳам идрок қиламиз.

Адабиётлар рўйхати

1. Умумий психология. (А.В.Петровский тахрири остида чиккан). Тошкент, Ўқитувчи, 1992й.
 2. Умумий психология. Э.Ғозиев Тошкент 2002й.
 3. Н.Д.Творогова, Психология, Лекция для студентов медвузов. М. 1198г.
 4. Р.С. Немов. Психология (в3-х книгах). М. 1998г.
 5. В.Г. Крисько. Психология и педагогика в схемах и таблицах. (Уч.-метод. Пособия). Минск.1999г.
 6. 6.Современная психология. (Справочное руководство).Ред. В.Н.Дружинин. Ин-т психология РАН. М. 1999г.
- П.И. Иванов Умумий психология. 1967й.